



**“УМРБОҚИЙ МЕРОС” ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ТАРҒИБОТ
МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

**ЮНЕСКОНИНГ “НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ
КОНВЕНЦИЯНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ, “БУТУНЖАҲОН
МАДАНИЙ ВА ТАБИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ КОНВЕНЦИЯСИНING 50 ЙИЛЛИГИ ВА
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 93
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН “МОДДИЙ ВА
НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС УЙҒУНЛИГИ”
МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

Бухоро – 2023

“Моддий ва номоддий маданий мерос уйғунлиги” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Бухоро – 2023. - 280 бет

Масъул муҳаррир:

Дармоной Ўраева – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир хайъати:

Л.Х.Мирзасва, М.Б. Аҳмедова, З.Р. Собирова, Р.Р.Касимова, М.Ж. Чорисва

Такризчилар:

Нозимжон Бобожонович Атабоев – филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна - филология фанлари доктори, профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:

Л.Х. Мирзасва- “Умрбокий мерос” тарғибот маркази директори
М.Б.Аҳмедова- Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д.

Ушбу тўпламда жамланган мақолалар номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни амалга оширишдаги муаммолар, бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияни амалга оширишдаги муаммолар, моддий ва номоддий меросни муҳофаза қилиш дастурларида интеграциялашган ёндашув, моддий ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб қилишда жамоат ташкилотларининг ўрни, Ўзбекистонда маданий мерос объектларини ўрганиш тарихи, педагогик ёндашувлар ва жаҳон тажрибасини оммалаштириш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинувини таъминлашга хизмат қилади.

MUSEUMIZATION OF INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE	159
Мамажоновна Фотима Алижон Қизи, Kasimova Rano Rakhmatulloevna. FOLK BELIEFS IN ENGLISH TRANSLATIONS OF UZBEK WEDDING SONGS AND LAMENT CEREMONIES	166
Mustafayev Jafar Shomirzayevich. АЖДОДЛАРИМИЗ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА СИНЕРГЕТИК ДУНЁҚАРАШ	169
Базарова Матлуба. ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС КЎЗГУСИДА	173
Нодир Кузиев. БУХОРОДА ХАТТОТЛИК МАКТАБИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА ҲУСНИХАТ СОҲИБЛАРИ ТАРИХИ	176
Абдуллаев Сухроб Сайфуллаевич. ХУДОЖЕСТВЕННОЕ НАСЛЕДИЕ ТРАДИЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ БУХАРЫ.....	178
Исаева Д.А. РОЛЬ СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ В СОХРАНЕНИИ И УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ	181
Жумаев Қорёғди Жўраевич. МОСЛАШТИРИЛГАН МУЗЕЙ БИНОЛАРИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН (САҚЛАНАЁТГАН) МАДАНИЙ, ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ АСЛИГИНИ САҚЛАШДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР	184
Назарова Нуржахон Баходировна. ФОЛЬКЛОР ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ.....	186
Rafiyeva Nargiza Abdurazzoqovna. TEMIR NAMDA TEMIRCHILIK TARIXI	188
Курбанова Умида Шакировна. ХАЛФАЧИЛИК САНЪАТИДА – ВОҚЕЛИКНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ.....	191
IV шўъба. Моддий ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, асраш ва тарғиб қилишда жамоат ташкилотларининг ўрни.	194
YU Le. INTERNATIONAL RESEARCH CENTRE FOR INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE IN THE ASIA-PACIFIC REGION (IRCI).....	194
Салыкова Балгын Умирзаковна. РОЛЬ НЕПРАВИТЕЛЬСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ОХРАНЕ, СОХРАНЕНИИ И ПОПУЛЯРИЗАЦИИ НЕМАТЕРИАЛЬНОГО КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ НА ПРИМЕРЕ УЛЫТАУ, ИСТОРИЧЕСКОГО ЦЕНТРА КАЗАХСТАНА.....	196
Лутфия Мирзаева. РОЛЬ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В ЗАЩИТЕ, СОХРАНЕНИИ И ПРОПАГАНДЕ НЕМАТЕРИАЛЬНОГО КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ.....	199
Кенджаева Зумрат Астановна. ЎЗБЕКИСТОНДА МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, АСРАШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ	204
Lizaxan Aximbetova. O‘QUVCHINING PROFESSIONAL OBRAZI UNING UMUMIY MADANIYATI BILAN BOG‘LIQDIR	208
Шляхова Светлана Сергеевна, Лекторова Юлия Юрьевна. НАЦИОНАЛЬНЫЙ ТЕАТР КАК ФАКТОР СОХРАННОСТИ НЕМАТЕРИАЛЬНОГО КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ.....	211
Ўктам Ҳакимов. “АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ ИЖРО ВАРИАНТЛАРИ.....	214
V шўъба. Ўзбекистонда маданий мерос объектларини ўрганиш тарихи, педагогик ёндашувлар ва жаҳон тажрибасини оммалаштириш.	216
Dr. Seong-Yong Park. INTEGRATED APPROACHES OF TANGIBLE AND INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE	216
Баходирхон Хамидханов. ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ОМИЛЛАРИ	221
Колдушко Анна Анатольевна. УНИКАЛЬНЫЕ ДОКУМЕНТЫ АРХИВА КАК ОБЪЕКТ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ (НА ПРИМЕРЕ АРХИВНО-СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЛ ПЕРМСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО АРХИВА НОВЕЙШЕЙ ИСТОРИИ).....	223
Prof. DSc Doncheva, Julia Georgieva. PREPARING FUTURE EDUCATORS FOR TEACHING HISTORY AND HERITAGE	226

Нодир Кузиев
БухДУ “Ислом тарихи ва манбашунослиги,
фалсафа” кафедраси ўқитувчиси (PhD)
(90) 7183363 nodir82a@mail.ru

БУХОРОДА ХАТТОТЛИК МАКТАБИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ҲАМДА ҲУСНИХАТ СОҲИБЛАРИ ТАРИХИ

1. Кириш. Бухоро- асрлар мобайнида Шаркнинг фан, маданият, маърифат, санъат ва диний маркази сифатида дунёга машҳур бўлган қадимий шаҳардир. Бухоро нафақат фан, маърифат, маданият ва савдо муносабатларининг ривожлангани билан, балки Туркистоннинг йирик маъмурий маркази сифатида ҳам машҳур бўлиб келган.

Бухоро Шарқдаги беназир шаҳар, бежиз уни Ислом маданиятининг булоғи демайдилар. Бу обидалар мукамал илмлар асосида бунёд этилган, буларнинг замирида риёзиёт, кимё, хандаса, сингари аниқ фанларнинг ўзгармас қонуни ётади. Ноёб ёдгорликларнинг ҳатто ташки кўринишида ҳам гўзал синоатлар бор. Уларга шунаки жим-жима учун эмас илмлар хикмати бўлмиш, ёзув санъатининг бетакрор намуналарини муҳрлаш учун алоҳида безак берилган. Халқимизнинг XIII асрлик тарихи мана шу санъат асосида битилди. Буюк хаттотларимиз тарихимизни битар экан ёзаётган сўзларига шунчаки ҳарф бирикмаси деб қарамадилар, улар ҳарфларни ёзиш асосида Шарққа хос бўлган назокат ва нафосатни унутишмаган, шунинг учун ҳам тарихимиз қанчалик улугвор бўлса, у битиб қолдирган ёзув шу қадар нафис, тарихимиз қанчалик шонли бўлса, у битиб қолдирган ёзув шунчалик мусиқийдир [1].

2. Асосий матн. Бухоро хаттотлик мактабининг XVI асрдан XX асрга қадар мохир хаттотлар, зарин қалам ҳуснихат соҳиблари, машҳур ижодкор ҳамда нодир китобат санъати усталари Бухоро хаттотлик мактабларида кўп хизмат қилиб, ушбу мактабнинг олтин даврларига асос солганлар. Бухорода хаттотлик мактабининг ривожланиши ҳамда китобат санъатининг юксак даражада кўтарилиши, ривожланиши, тараккий этишида XVI-XX асрларда яшаб ижод этган Бухоро хаттотлик мактаби вакиллари ўзига хос хат услуби ҳамда мактаб яратганлар [2]. Темурийлар ҳукмдорлиги тугутилганидан сўнг, XVI асрнинг [3] бошида Ҳирот мактаби хаттотлари Бухорога келиши бошланган. Баъзида яққа ҳолда, айрим пайтда бутун бошли қарвонлар билан Бухорога ҳижрат қилишган. Бу қарвонлар таркибида машҳур дин уламолари, шоирлар, мусиқачилар, хонандалар, давлат арбоблари ва улар ичида кўлёма асрлар яратувчилари-мохир хаттотлар, музаҳҳиблар, мусаввирлар ҳамда шу қаторда “Хаттотлар султони” Мир Али Табризий узоқ йиллар Бухорода яшаб кўплаб кўлёма асарлар ёзиб, кўчириб, Бухоро хаттотлик мактабини қайта яратиб ва шаклланишига ҳамда китобат санъатини ривожлантиришга хизмат қилган [4]. Бухорода XVI асрда хаттотлик мактаби шаклланиб унда кўплаб мохир хаттот, мирзамуншийлар ҳамда котиблар етишиб чиққан.

Шулар қаторида Бухорода яшаб ўтган ҳуснихат назарийчиси **Дарвеш Муҳаммад бинни Дўст Муҳаммад Бухорийдир.** Унинг 995/1586-87 йили Бухорода яратган қатга хажмдаги “Фавойид ул-хутут” асари Марказий Осиёда яратилган ҳуснихат ҳақидаги йирик ва мўътабар рисоалардан бири ҳисобланади. Бу асарнинг 1222/1807-1908 йили Бухорода амир Ҳайдар замонида кўчирилган мукамал бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида сақланади [5]. Рисола мазмунидан шу нарса ойдинки Дўст Муҳаммад Бухорий ўз асарини ёзишда ўзидан аввал ўтган хат назарийчилари ҳаёти ҳамда рисоаларидан яхши хабардор бўлган [6]. Дарвеш Муҳаммад Бухорийнинг форс тилида яратилган “Фавойил ул-хутут” рисоласи Марказий Осиёда яратилган ҳуснихат санъати ҳақидаги қадимий ва энг муҳим асарлардан бири ҳисобланади [7].

Бухоро хаттотлик мактабининг ёрқин вакили ҳамда янги хат ихтирочиси ва хатотлик санъатининг етти хат турида ниҳоятда гўзал ёзган мохир хаттот **Мавлоно Низомиддин**

Бухорийдир. У доимо вақтини олий маком Абдулфатох Баҳром Мирзо кутубхонасида ўтказган. Унинг исмини, шоир Фазоилий олтига машҳур хаттотлар каторида Мавлоно Низомиддин Бухорий тоонидан шеърӣ бир қиъани тирноғи билан ёзилганлигини Баҳром Мирзо айтиб ўтган[8]. Яъни Баҳром Мирзо унинг “хати нохун”га ишора қилган. Абдулфатох Баҳром Мирзо: “ У сулс хатини барча қоидаларига риоя қилган ҳолда бармоғи ичида ёзар эдики, хатто қамиш қалам ҳам унинг олдида ожиз эди[9].

Бухоро хаттотлик мактаби вакили хуснихат хаттот **Саид Абдуллох Бухорий** XVI аср охири Бухорода таваллуд топган. Машҳур хаттот Мир Имодиннинг забардаст шогирди ҳисобланиб, “Дарвеш Абдий” ва “Мавлавий” таҳаллуси билан маълумдир. У дастлаб Бухорода, сўнгра исфахонлик хаттот Мир Имодин Хусайнийдан таълим олган. У Туркиянинг Истанбул шаҳрида ва Эроннинг Исфахон шаҳрида ҳамда Мисрда бўлиб хаттотлик саъатини кенг ёйган. Истанбулда настаълик хатини жорӣ қилган. Султон Муҳаммад IV буйруғи билан “Шохнома”ни кўчирган. Ҳаж сафаридан кейин умринг охиригача Ҳижозда яшаган ва ўша ерда 1647 йилда вафот этган[10].

Бухородаги Раҳмонқули мадрасаси ҳақида БухДУ профессори марҳум Охунжон Сафаров ўз тадқиқотларида қуйидаги қизиқарли фикрларни баён қилади: “ Кўчаи Сангин ҳозир ҳам шу ном билан юритилади. Унда ўтмишда китобат санъати билан шуғуллагувчиларни тайёрлашга ихтисослашган Раҳмонқули мадрасаси мавжуд бўлган. Ушбу мадрасада маърифатпарвар мунажжим, қомусий олим ҳамда ажойиб ижодкор хаттот **Аҳмад Қалла таҳаллуси билан машҳур Аҳмад Дониш** таълим олган. Асл исми Аҳмад ибн Носир ас-Содиқ ал Бухорий (1827-1897) йилларда Бухорода яшаб ижод қилган. Бухоронинг Россия билан савдо элчилик муносабатлари XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида айниқса ривожланган. Россиядан Бухорога Флорио Беневини (1720), Негри (1820), К.Бутенев (1841) ва Н.Игнатъев (1858) йилларда бошлиқ дипломатик миссиялар келган. Бухоридан эса Россияга Мир Алоуддин (1805), Мирза Муҳаммад (1816) ҳамда Муҳаммад Шариф (1816) лар элчи бўлиб борган. Шулар жумласидан, Аҳмад Дониш XIX асрнинг иккинчи ярмида яъни, 1857,1869 ҳамда 1873 йилларда Бухоро амири элчиларининг мирзаси бўлиб, Россия (Петербург)га борган. Сафар таассуротлари асосида “Таржимаи ахлоли амирони Бухоро (“Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари”) каби асрлар ёзган. Уларда амирлик тузумини ислоҳ қилиш масаласини кўтарган. Аҳмад Дониш амир Музаффар таклифи билан “Манозир ул-кавокиб” (Сайёраларнинг жойлашишлари”) номли астрономия (илми нужум)га оид китоб ёзган (1865). 1870-1873 йилларда ислохот ҳақида “Рисолаи дар назми тамаддун ҳамда таовун (“Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола”) асарини яратган.

Муҳаммад Саид Қотиб бин Мирзо Муҳаммад ал-Бухорий, “ Мифтоҳ ул-жинон” асарини кўчирган бухоролик хаттот. Ушбу қўлёзма китоб ва хаттот ҳақида Шарифжон Маҳдум Садр Зиё ёзади: “Жонга барабар бу китоб кўп жихатдан ички ҳамда ташқи нафосатга эга бўлиб, хуснихатда тенгсиздир. Жадвал ҳамда қоғози катори бошқа афзалликлари туфайли ҳалиги “қанз ил-ибод” нусхасидан яхшироқ кўринмоқда. Унинг қамина мулки шарофати қатта бир саодатдир[11].

Қори Мир Файз Қотиб Бухорий- машҳур бухоролик қотиб, хаттот ва Қуръон ҳофизини XIX-XX асрларда Бухорода яшаган. “Далоили хайрот”[12], “Хизб ун-наср” ҳамда “Хизб ул-бахр” бир жилдда. Қори Мир Файз Қотиб Бухорийнинг укаси Қори Мир Раҳмат Қотиб хати билан китобат қилинган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Абдуллохбек Қотибнинг эътиборли шогирдларидан. Қори Мир Файз Қотибнинг хушхатлиги укасиникидан қучлироқдир. Ёзувининг ўхшашлиги устозига жуда яқин. Бир неча вақт Бухоро амири Сайид Олим Баходирхоннинг марҳамати билан фахрлар уйи Бухорининг мактаблари Нозирлиги билан сарафрозлик топган. Аммо шах сифатида барча ҳалққа ёққан хаттот бўлган. Бу икки ака-уканинг ёзганлари қам сонли бўлиб, қачон бу ханарни амалга киритиб, давом эттирсалар, ҳеч шубҳасиз таниқли қотиблар ҳамда замон хаттотлари жумласидан бўлганлар[13].

3. Хулоса. Хуллас, Бухоро хаттотлик мактабининг XVI асрдан XX асргача қадар

хуснихат сохиблари, машхур ижодкор сифатида янги хат услубларини кашф этишган. Хаттотлар нафақат кўлёмалар кўчириш ёки китобат килиш балки, хона безаклари учун оят ва ҳадислардан хат намуналари, деворларда гуллар ҳамда ганч ўймакорлигида безаш учун нақш (гуллар) нусхасини тайёрлаб беришган.

Шу жумладан, китобат санъатида хаттотлар, мусаввирлар, музаххиблар, наққош, муковасоз каби касб сохиблари азалдан бадий кўлёмани яратишда иштирок этганлар. Бухорода қадимдан хунармандлар даҳаси ҳамда гузарлари мавжуд бўлган. У даҳа, гузарларда халқ эҳтиёжи учун керакли нарса ҳамда ашёлар тайёрланган. Шу қаторда китобатчилик ҳамда бўёқчилик дўконлари учун уста-хунармандлар сиёҳ ҳамда бўёқлар тайёрлаб беришган, кемухтагарон гузарида китоб муковаси пойафзаллар учун хайвон териларга ишлов бериш хунарлари билан шуғулланишган.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати.

1. Ҳ.Х.Жўраев. Беназир санъат мутолааси. Санъат, тарих, илмий ва маърифий рисола. Тошкент.Наврўз нашриёти, 2014 йил, Б. 20-21.
2. Ҳ.Х.Жўраев. Хаттотлик мактаби тарихи. Ўқув қўлланма. Бухоро 2023 йил. Б-58.
3. Сааков В.Г. История Бухары.-Т.: Шарк.1996.С-68.
4. Ўша жойда.
5. “Фавойил ул-хутут”. ЎзФАШИ, инв.№2617., Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Т.: 1971.-Б. 72.
6. Муҳаммад Шариф Садр Зиё. Тазкират ул-хаттотон, ЎзФАШИ, инв.№1304, 68 варак.
7. Дарвеш Муҳаммад бинни Дўст Муҳаммад Бухорий, “Фавойид ул-хутут. ЎзФАШИ, инв.№ 2617, 23,24,26 вараклар.
8. Фазоилий.-С.324. Қаранг: Акимушкин О.Ф. Кази Аҳмед б. Хусайн ал-Хусайни Куми. Трактат о каллиграфиях и художниках.-М.: Садра.2016.-С.106.
9. Акимушкин О.Ф. Кази Аҳмед б. Хусайн ал-Хусайни Куми. Трактат о каллиграфиях и художниках.-М.: Садра.2016.-С.108.
10. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан.-Т.: Фан.1971.-Б.30
11. Шарифжон Махдум Садр Зиё. Тазкират ул-хаттотон. ЎзФАШИ, инв. № 1304. 124.варак.
12. Далоил ул хайрот.-1965-1966 йиллари мана шу хат асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси (собиқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари бошқармаси дейилган) бошчилигида Ҳошим Хўжандий томонидан “Насхи Бухорий” хатида кўчирилган Куръони Карим ҳам қайтадан чоп қилинган.
13. Шарифжон Махдум. Рисолаи хаттотон, 257 варак.

Абдуллаев Сухроб Сайфуллаевич
доцент кафедрЫ Изобразительного и прикладного искусства,
Бухарского Государственного Университета,
Города Бухары, Республики Узбекистан

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ НАСЛЕДИЕ ТРАДИЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ БУХАРЫ

Аннотация Данная статья посвящена художественному наследию традиционной культуры Бухары, культурной среде. Также рассматриваются ремёсла Бухары (ювелирное искусство, золотошвейное искусство и др.).

Ключевые слова Материальная культура, ремёсла Бухары, золотошвейное и ювелирное искусство, художественные центры, стиль, композиция, орнаментальные мотивы.

Введение Прекрасная и древняя Бухара является одним из немногих городов где сохранились почти все виды архитектурных сооружений, воздвигнутых с IX века, что даёт право называть его «городом - музеем». Бухара неоднократно упоминается в исторических летописях как один из без преувеличения мировых центров зодчества, науки, культуры и